

ШАРТНОМА № 45166

22 сентябрь 2022 йил.

Күшработ тумани.

Күшработ туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи бир тарафдан директор: *A.Туранов* ва SHAG'ALSOY BIZNES мчж (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб аталади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор *К.Хакимбеков* иккинчи тарафдан маъзкур шартномани туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1.1 “Пудратчи” маъзкур шартнома бўйича “Буюртмачи”га тегишли обектида курилиш таъмирлаш ишларини бажариши учун лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган холда ва белгиланган муддатларда **Лаборотория** хизмати ни бажариш мажбуриятини олади. “Буюртмачи”эса ушбу бажарилган иш-хизматларини тўлиқ қабул килиб олади хамда бажарилган иш ва хизматларни қабул килиб олиш ва бажарилган иш ва хизматлар учун тўловларни ўз вактида амалга ошириш мажбуриятини олади. Бешбола МФЙ 8-куча Жорий тамирлаш

2. Шартнома бўйича нарх ва хисоблашишлар тартиби

2.1. Иш ва хизматларнинг номи миқдори сифати ва нархи маъзкур шартномадаги 1 жадвалга мувофиқ аникланади. “Пудратчи” томонидан шартнома бўйича бажариладиган ишлар номи барча солик ва ажратмаларни ўз ичига олган холда қўйидаги нархларда хисобланади.

№	Иш тури	Улчов бирлиги	Шартноманинг умумий суммаси ККС билан
1	Бешбола МФЙ 3-куча Жорий тамирлаш	сум	32677008
Уттиз икки миллион олти юз етмиш етти минг саккиз сум			

2.2 “Буюртмачи” шартнома тузилганидан кейин маъзкур шартномага асосан 30% миқдорида аванс тўлайди. Унбу аванс миқдори 9803102,4сўмни ташкил килади. бажарилган иш-хизматларга нисбатан 100 фоиз тўловни бажарилган иш-хизматлар тўлиқ бажарилганидан кейин ишнинг тугатилган кунидан бошлаб бир йил муҳлат ичида “Пудратчи”нинг хисоб ракамига тўлайди.

2.3 Шартноманинг баҳоси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланган «келишилган нархни аниклаш тўғрисида»ги методик қўлланмасига асосан хисобланади ва унга Пудратчининг хамма харажатлари ва соликлари Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 3-сентябрь 375-сонли карорини 8-илювасини 7-бандига асосан тузилади. Томонларнинг рухсатисиз экспертиза ва текширишдан ўтказилмайди.

2.4 “Буюртмачи” ва “пудратчи” ўртасида бажарилган иш-хизматлар ўзгарган тақдирда хисоб-китоб томонларнинг ўзаро келишувлари асосида хал килинади.

4. Шартнома шартлари

4.1 “Пудратчи” шартномада кўзда тутилган барча ишларни тақдим этилган лойихаларга асосан хамда Давлат стандартлари талабларида мос равиша бажаради.

4.2 Ишлар ва хизматларга эгалик хукуки “Буюртмачи”га лойиха смета хужжатларида кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилганидан кейин иккала томон ўртасида тузилган топшириш ва қабул килиш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилганидан кейин ўтади.

4.3 “Пудратчи” томонидан курилиш даврида ўзгартиришлар киритилган тақдирда иш турларига смета килиниб ушбу смета нархларидан тўловлар амалга оширилади.

4.4 “Пудратчи” шартномада кўрсатилган ишларни бажаришда ёрдамчи пудратчилар хизматидан фойдаланилади хамда ёрдамчи пудратчининг номи манзили балансида техникиси бор ёки йўқлиги тўғрисида “Буюртмачи”ни хабардор килади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 “Буюртмачи” қабул килиб олинган иш ва хизматлар учун тўловни тўғри ва ҳакқоний равиша расмийлаштириб ўз вактида тўлаб беради бунда ишлар киймати узил кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чикилиши мумкин эмас.Кўйидаги холлар бундан мустасно:

1.Табиатнинг ёнгиг бўлмайдиган холатлари сел тошкунлар оқибатида юзага келганида.

2.Иш-хизматлар нархи “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганида.

3.Форс-Мажор холатларида.

Тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув асосида расмийлаштирилади.

5.2 “Пудратчи” ойниниг 25-санасига жорий ойда бажарилган иш-хизматлар тўғрисидаги тегишли хужжатларини “Буюртмачи” га тақдим килади.

5.4 “Пудратчи” ушбу шартномага асосан бажарилган иш хизматлари учун (Бир) ой мухлатга кафолат беради.

5.5 “Пудратчи” иш ва хизматларни бажариш вактида Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларига тўлиқ амал қилиши лозим.

5.6 “Буюртмачи” обект фойдаланишга топширилган кунига қадар “пудратчи” томонидан олиб борилаётган курилиш майдонида техника хавфсизлиги ва ишларни бажараётган худудда харакат хавфсизлигини таъминлаши хамда атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирларни бажариши лозим.

6. Томонларниң жавобгарлиги

6.1 “Буюртмачи” бажарилган иш ва хизматлар ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун “Пудратчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи микдорида пеня тўлайди. Бунда пеняниң умумий микдори кечикирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.3 “Пудратчи” томонидан бажариладиган иш-хизматлар тўлиқ бажарилмаган. Ёки иш-хизматларни бажариш мухлатлари ўтказиб юборилган тақдирида “Буюртмачи” га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди. Бирок бунда пеняниң умумий суммаси бажарилмаган иш хизматлар умумий суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.4 Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларни бошқача тарзда бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.5 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун маъзкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган тараф иккинчи томонга бошқа томон тарафидан килинган харажатларида мол мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

6.6 Томонлар маъзкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслиги биринчи томон иккинчи томонга нисбатан пеня қўллаш тўғрисида талабнома юборишга асос бўлади бунда жавобгар томон пеня қўллаш тўғрисидаги талабномани 10 кун мухлат ичидан кўриб чиқиши шарт.

7. Келишилмовчиликларни кўриб чиқиши тартиби.

7.1 Маъзкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998-йил 29-август кунидаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун хужжатларига асосан тузилган бўлиб тарафлар ўртасида келиб чикадиган барча келишилмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида хал қилинади. Агарда келишилмовчиликлар келишув йўли билан хал қилинмаган тақдирида Иқтисодий судлар томонидан хал этилади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати.

8.1 Шартнома 22 сентябр 2022йилдан 31-декабрь 2021 йилгacha амал қилади

8.2 Шартнома иккала нусхада тузилган бўлиб иккала нусхаси хам бир хил конуний кучга эга.

ТОМОНЛАР МАНЗИЛИ ВА БАНК ХИСОБ РАКАМИ

“Буюртмачи”

Nomi: Qo'shrabot TYFYK

Manzili: Qo'shrabot tuman E.Jumanbulbul ko'chasi 27-uy

YaFG'X: 4700 10 860 18216 7045 193 118 001

STIR: 200 749 937 OKED: 42 110

Тўлов реквізитлари: Молия Вазирлиги Ғазначилиги

x/p: 2340 2000 3001 0000 1010

STIR: 201 122 919

MFO: 00014

Direktor

A.Turanov

Yurist

А.Нурмурадов

“Пудратчи”:

“SHAG'ALSOY BIZNES” МЧЖ

Манзил Қўшробот туман

x/p: 20208000700251356001

Сам. фил. Ўз. Ўз ТИФ Миллий банк

МФО: 00278

ОКОНХ: 421101

SHAG'ALSOY BIZNES

Директор:



К.Хакимбеков.